



MILLIY TIKLANISH

24 (456)

2017 йил 14 июнь, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ҚОНУН ВА АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — БАРЧА ЭЗГУ МАҚСАДЛАРИМИЗГА ЭРИШИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ

Шу йил 13 июнь куни Тошкент шаҳрида суд органлари тизимида оқил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳволи, муаммолар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари раҳбарлари, Бош вазир, Судьялар олий кенгаши аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарлари, вилоят, туман ва шаҳар судлари судьялари иштирок этди. Видеоконференция алоқаси орқали йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, ҳуқуқ-тартибот идораларининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари, фахрийлар, жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари адолат халқимиз учун азал-азадан тинч ва фаровон ҳаёт мезони, барча эзгуликлар манбаи бўлиб келгани, Соҳибқирон Амир Темур бобомиз "Куч — адолатда" деган ҳикматга амал қилиб, давлат бошқарувини ташкил қилиш,

эл-юртнинг тинчлиги ва ободлигини таъминлашга эришганини қайд этиб, бугунги кунда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишда қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш энг муҳим вазифа бўлиб қолаётганини таъкидлади. Бу борада давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи бўлган суд тизимининг ўрни ва аҳамияти

фоят катта. Бу ҳақиқатни биз бугунги кунда, мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар жараёнида тобора чуқур ҳис этмоқдамиз, деди Президентимиз.

Йиғилишда истиқлол йилларида мамлакатимизда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш ва нуфузини ошириш, уни илгариги жазоловчи органдан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қиладиган, жамиятдаги демократик ўзгаришларнинг муҳим воситаси бўлган институтга айлантиришга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилгани қайд этилди. Бу борада ҳали ўз ечимини топмаган камчилик ва муаммолар атрофича таҳлил қилиниб, муҳим амалий хулосалар чиқарилиди.

→ 2

Юзма-юз



МУАММО ЕЧИМСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ҳудудлардаги фаолияти, ўрганишлари, одамлар билан юзма-юз мулоқоти аҳолининг давлат идораларига бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Яқинда парламент аъзолари, жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан сайланган депутатлар жойларда аҳоли билан учрашиб қайтди. Турли соҳаларга оид аксарият муаммолар жойида ҳал қилинди, айрим масалалар юзасидан тегишли вазирлик ва идораларга, ташкилотларга депутатлик сўрови ва мурожаатлар юборилди.

ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ ҚОЛАТИ ЎРГАНИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзоси Мухтабар Ҳусанова

Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманидаги ўрганишлари давомида асосий эътиборни тиббиёт муассасалари фаолиятига қаратди. Хусусан, депутат тумандаги 45-оилавий поликлиникада яратилган шарт-шароит, кулайликлар билан танишди, мавжуд муаммоларни ўрганди.

— Тиббиёт муассасамиз ҳозирги кунда Хувайдо, Бўстон, Ўзбекистон, Тинчлик, Зафаробод, Жарарик, Илғор маҳаллаларининг 35 мингга яқин аҳолисига хизмат кўрсатади, — дейди поликлиника бош шифокори Шахноза Саъдуллаева. — Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олиш, турли хасталикларни эртaroқ аниқлаш ва даволаш чораларини кўришда бугунги давр талабидан келиб чиққан ҳолда ендашяпмиз. Патронаж хизмати режа бўйича хонадонларга кириб, пациентларни текширувдан ўтказмоқда, навбатчи шифокорлар эса ҳар кун соат 20:00 гача беморларни қабул қилиб, зарур муолажаларни амалга ошираётир. Айни пайтда патронаж хизмати тиббиёт сумкалари билан тўлиқ таъминланган.

→ 2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Т.И.Жўраевни Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига мувофиқ; Гуробжон Икромович Жўраев Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 13 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Х.К.Оқбутаевни Самарқанд вилояти ҳокими лавозимидан озод этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига мувофиқ; Химмат Қўчқорович Оқбутаев Самарқанд вилояти ҳокими лавозимидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 13 июнь

Миллий гуруҳ

АКА-УКА ЧЕМПИОНЛАР

Ўзбекистонлик ёш шахматчилар яқинда Минск шаҳрида шахматнинг рапид ва блиц турлари бўйича болалар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида юксак галабаларга эришди. Блиц шахмат бўйича ўн ёшгача ўн икки болалар ўртасида Исломбек Синдоров олтин медални қўлга киритди. Исломбек тўққиз партиянинг саккизтасида галаба қозониб, 8 очко билан шоҳрупаннинг энг юқори погонасига кўтарилди.



Бугун юртимизда ака-ука Синдоровларни танимайдиган, билмайдиганлар топилмаса керак. Спортни дўст билиб, юксак марраларни кўзлаган, ўз устида тинимсиз ишлаётган ёшлар бир қатор ютуқларга эришаётир.

Бор-йўғи ўн-ўн икки ёшли болаларнинг шижоати ва муваффақиятини кўрган ҳар қандай одамнинг қалби гурурга тўлади. Мамлакатимизда тинчлик ҳукм сураётгани, изланувчан ёшлар учун кенг имкониятлар яратиб берилаётгани туфайли улар жаҳон ареналарида салмоқли ютуқларни қўлга киритмоқда.

→ 6

ЎзМТДП лойиҳаси — амалда

Мамлакатимизда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, айниқса, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жамиятда ўз ўрни ва мустаҳкам мавқега эга бўлиши учун яқиндан қўллаб-қувватлаш, уларнинг тадбиркорлик фаолияти учун имтиёзли банк хизматларидан фойдаланишларида шароит яратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидандир.

САМАРҚАНДЛИК 29 КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИСИ

ПАРТИЯ КўМАГИДА 205 МИЛИОН 200 МИНГ СўМЛИК ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТГА ЭГА Бўлди

Бу жараёнда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалардан келиб чиқиб, муносиб иштирок этишга интиломоқда. Хусусан, партия Марказий кенгаши ҳамда "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки ҳамкорлигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш жойларини ташкил этиш, аҳолининг кенг қатлами учун, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ва хотин-қизларнинг банк хизматларидан фойдаланишларини янада кенгайтиришга қаратилган "Банк кредитлари — ҳунармандларга" лойиҳаси бу борада муҳим ўрин тутмоқда. Самарқанд вилоятининг Пахтачи ва Пастдаргом туманларида мазкур лойиҳа доирасида ташкил этилган "Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этишнинг долзарб вазифалари" мавзусидаги амалий семинар ҳам аynи шу мақсадга қаратилди.

→ 3

Ташаббус натижа берди

УЙ-ЖОЙДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОЛАТИ

ЎзМТДП ГУРУҲИ ТАШАББУСИ БИЛАН ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАВОИЙ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Юртимизда сўнги йилларда аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 24 апрелда қабул қилинган "2017-2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондиди сақлаш ва унда фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни тартибга солиш, кўп хонадонли уй-жойлардан фойдаланишни такомиллаштиришга хизмат қилаётир.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида уй-жой қурилиши ва инфратузилмани қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларга имтиёзли фойзаларда узоқ муддатли ипотека кредитлари ажратиш ҳамда улар учун уй-жой қурилиши давлат дастурининг бажарилишини бундан кейин ҳам тизимли равишда давом эттирилишига қўмаклашиш устувор вазифа этиб белгиланган. Шу боис партия ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари бу йўналишда муайян чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

→ 4

Ушбу сонда:



ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС ВА ҲАМҚАДАМ

6-бет

МАФТУНҚОР ТАБИАТ МЎҶИЗАСИ

ЁХУД АФРИКАДАГИ ЭНГ ЙИРИК ШАРШАРА



7-бет



МАЪРИФАТГА ОЧИЛГАН ЭШИК

8-бет



